Аллоҳ таоло айтади: «Намозни Ўзим билан бандам ўртасида иккига бўлдим, бандам сўраганини олади

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Аллоҳ таоло айтади: «Намозни Ўзим билан бандам ўртасида иккига бўлдим, бандам сўраганини олади, агар банда: «Алҳамдулиллаҳи Роббил ъаламийн» (Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин), деса, Аллоҳ: «Бандам Менга ҳамд айтди», – дейди. «Ар-роҳманир- роҳийм» (Меҳрибон ва раҳмли), деса: «Бандам Менга сано айтди», –дейди. Агар: «Маалики явмиддин» (Қиёмат кунининг подшоҳи), деса: «Бандам Мени улуғлади», –дейди. Ва бошқа ҳадисда: «Ишни менга топширди», –дейилган. Агар банда: «Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн» (Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз), деса: «Мен билан бандам ўртасидаги нарса шу ва бандам сўраганини олади», –дейди. Агар: «Иҳдинас-сиротол- мустақийм, сиротал лазийна анъамта ъалайҳим ғойрил мағзуби ъалайҳим валлаззо-оллийн» (Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), ғазабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникига ҳам эмас) деса, Аллоҳ: «Мана шу бандам учун ва бандамга сўрагани», деб айтади».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло шундай деганини хабар бердилар: «Намоздаги Фотиҳа сурасини иккига бўлдим, ярими менга ярими унга». Биринчи ярими: Ҳамду сано ва Аллоҳни улуғлаш, у учун унга энг яхши мукофотни бераман. Иккинчи ярими: Ёлвориш ва дуо, уни қабул қиламан ва сўраганини бераман. Агар намоз ўқувчи: «Алҳамдулиллаҳи Роббил ъаламийн» (Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин), деса, Аллоҳ: «Бандам Менга ҳамд айтди», – дейди. «Ар-роҳманир- роҳийм» (Меҳрибон ва раҳмли), деса: «Бандам барча махлуқотларга берган неъматимни эътироф қилди, Мени мақтади ва сано айтди, бутун », –дейди. Агар: «Малики явмиддин» (Қиёмат кунининг подшоҳи), деса: «Бандам Мени улуғлади», –дейди. Ва бошқа ҳадисда: «Ишни менга топширди», Агар банда: «Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн» (Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз), деса: «Мен билан бандам ўртасидаги нарса шу ва бандам сўраганини олади», –дейди. Бу оятнинг биринчи ярими: (Ийяака наъбуду), Аллоҳ таолони улуҳият ва ибодатни қабул қилишда эътироф этишликдир. Шу билан Аллоҳ учун бўлган қисми тугайди. Оятнинг иккинчи бўлими банда учун: (ийяка настаъин) Аллоҳдан ёрдам сўраш ва Аллоҳнинг ёрдам беришга бўлган ваъдаси. Агар: «Иҳдинас-сиротол-мустақийм, сиротал лазийна анъамта ъалайҳим ғойрил мағзуби ъалайҳим валлаззо-оллийн» (Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), ғазабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникига ҳам эмас) деса, Аллоҳ: «Мана шу бандамдан бўлган тавозеълик ва дуодир ва бандамга сўрагани унинг дуосини қабул

қилдим», деб айтади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65099